

Қўллаш бўйича йўриқнома
ТОНЗИЛОТРЕН
TONSILOTREN®

Препаратнинг савдо номи: Тонзилотрен

Дори шакли: таблеткалар

Таркиби:

1 таблетка (250 мг) қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: Atropinum sulfuricum D5 - 12,5 мг, Hepar sulfuris D3 - 10,0 мг, Kalium bichromicum D4 - 50,0 мг, Mercurius bijodatus D8 - 25,0 мг, Silicea D2 - 5,0 мг;

ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, сахароза, магний стеарати.

Таърифи: оқ ёки деярли оқ рангли, ҳар икки томонлама ясси фаскали, катта бўлмаган доғлари бўлиши мумкин бўлган таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: гомеопатик воситалар.

АТХ коди: R02AX

Фармакологик хусусиятлари

Гомеопатик даволаш услублари ва гомеопатик субстанцияларни қўлланилиши ананавий тиббиётда ўрин тутганкасаликлар ҳақидаги тушунчалардан тубдан фарқланади. Гомеопатик воситалар организмнинг хусусий химоя механизмларини рағбатлантиради ва шу тарзда организмни ўз-ўзини даволаш имкониятларини потенциални) фаоллаштиради. Гомеопатик воситага нисбатан ҳар бир организм жавоби қатъий индивидуалдир. Шу сабабли гомеопатик воситасини дозоспецифик (дозага боғлиқ) фармакологик самаралари, фармакодинамик ёки фармакокинетик маълумотларни аниқлаб бўлмайди.

Қўлланилиши

Ўткир тонзиллит, сурункали ва сурункали қайталанувчи (рецидивланишувчи) тонзиллит, бодомсимон безларни шишиб катталашиши, бодомсимон безларни жарроҳликдан кейинги битиб кетишини тезлаштириш учун қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Дозалаш тартиби

Катталар: *ўткир ҳолатларда*, ҳар соатда 1 таблеткадан, аммо кунига 12 таблеткадан кўп эмас, симптомлар енгиллашгунича қабул қилинади. Кейинги давогача ёки сурункали ҳолатларда 1-2 таблеткадан кунига 3 марта қабул қилинади.

Педиатрик гуруҳда

2 ёшдан 6 ёшгача болалар: ўткир ҳолатларда, кейинги давогача ёки сурункали ҳолатларда 1 таблеткадан кунига 3 марта қабул қилинади.

6 ёшдан 12 ёшгача болалар: ўткир ҳолатларда ҳар 2 соатда 1 таблеткадан, аммо кунига 6 таблеткадан кўп эмас, симптомлар яхшилангунигача қабул қилинади. Кейинги даволашгача ёки сурункали ҳолатларда 1 таблеткадан кунига 3 марта қабул қилинади.

12 ёшдан ва катта ёшдаги болалар: ўткир ҳолатларда, 1 таблеткадан ҳар куни, аммо кунига 12 таблеткадан кўп эмас, симптомлар енгиллашгунича қабул қилинади. Кейинги даволаш учун ёки сурункали ҳолатларда 1-2 таблеткадан кунига 3 марта қабул қилинади.

Бодомсимон без катталашган катталар ва болалар кунига 3 марта 1 таблеткадан қабул қилишлиги лозим. Даволашни 6-8 ҳафта давомида давом эттириш тавсия этилади.

Сурункали ва сурункали қайталаниш ҳолатларида йилига бир неча даволаш цикллари ҳар бир ҳолат бир йилда 6-8 ҳафта давомийлиги билан қабул қилиш керак.

Қўллаш усули

Таблеткаларни овқатдан 30 минут олдин ёки 30 минутдан кейин, оғизда секин сўриб қабул қилиш лозим.

Кичик болаларни даволашда таблеткаларни оз миқдордаги сувда эритиш тавсия қилинади.

Ножўя таъсирлари

Жуда кам ҳолларда ($<1/10,000$) ёки номаълум (мавжуд бўлган маълумотларга асосан тез-тезлигини баҳолаб бўлмайди):

Юқори сезувчанлик реакциялари, масалан, терида тошмалар кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш керак.

Сўлак кўп ҳосил бўлишида препаратни дозасини камайтириш ёки қабул қилишни бекор қилиш керак.

Изох: гомеопатик дори воситалари қўлланганда вақтинчалик бирламчи ёмонлашиши мумкин. Бундай ҳолларда препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратни хром, симоб ёки ёки бошқа ингредиентларига, шунингдек 2 ёшдан кичик болаларга юқори сезувчанлиги маълум бўлганда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири номаълум.

Гомеопатик препаратлар билан даволаш бошқа дори воситаларни қўллашни истисно қилмайди.

Ҳар қандай бошқа дори воситаларини бир вақтда қўллаш зарурати ҳолларида шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Махсус кўрсатмалар

Препарат лактоза ва сахароза сақлайди. Кам учрайдиган наслий галактозани ўзлаштираолмаслик шакллари, лактаза етишмовчилиги ёки глюкозо-галактозали мальабсорбцияси синдроми бўлган пациентларга препаратни қўллаш мумкин эмас. Препарат сахароза сақлаши туфайли уни фруктозани ўзлаштираолмаслик ёки сахароза-изомальтоза етишмовчилиги каби кам наслий касалликлари бўлган пациентларга қўллаш мумкин эмас.

Қуйидаги ҳолатларда ўзингизнинг даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашиш лозим:

- Агар ўткир ҳолат симптомлари яхшиланмаса ёки 2 кун даволаш давомида ёмонлашса,

- Агар кўшимча шикоятлар масалан 39°C дан юқори тана ҳарорати пайдо бўлса.

Қалқонсимон без функциясини бузилишлари (гипертиреоз) бўлган беморларни даволаш учун Тонзилотренни фақат олдиндан шифокор маслаҳатидан кейин қабул қилиш керак.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши

Барча дори препаратлари каби, хомиладорлик ёки эмизиш даврида препаратни фақат шифокор маслаҳатидан кейин қабул қилиш керак.

Автотранспортни ва бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлиги қобилиятига таъсири.

Таъсир қилмайди.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтганидан кейин ишлатилмасин.

Дозани ошириб юборилиши

Кузатилмаган.

Чиқарилиш шакли

250 мг ли 20 таблетка блистерда; 3 блистер қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутида.

Сақлаш шароити

Оригинал ўрамда 25⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Дойче Хомеопати-Унион
ДХУ-Арцнаймиттель ГмбХ & Ко. КГ
Германия, 76227 Карлсруэ,
Оттоштрассе 24
Тел. +49 (721) 40 93 236

Доктор Вильмар Швабе
ГмбХ & Ко. КГ, Германия
Германия, 76227 Карлсруэ,
Вильмар-Швабе Штрассе 4
Тел. 49 (0)721 4005 0, +49 (0)721 40005 165